

**Баҳридин МУРОДОВ**

# **Дуо айланг**

Қарши  
«Насаф» нашриёти  
2006

Шеър инсон изтиробларининг  
сувратидир. Инсон ўз кечинмалари  
сувратини сўзда чизишга интилади.  
Ватанпарвар қалб эса ўтили  
ҳайқириқ, оташин даъват акс -  
садоларини шеърга олиб киришга  
интилади.

Тажрибали муаллим Баҳриддин  
Муродовниң сатрлари ҳам ана шу  
олижоноб умуминсоний туйғулардан  
бонг уриб турибди.

10 32431

191

M 4702620202 - 28 28-2006 © Б.Муродов 2006й  
376(06)2006  
ISBN 5-7323-0511-2

20.06

Alisher Navciy  
nomidagi.

10429 zbekiston M

## **АСРАГИЛ ДОИМ**

Тинч эди ҳамма ёқ, тинч эди осмон,  
Бўлдиму нон кўрлик, оқ сутга эиён.  
Қайдин пайдо бўлди, кўплаб бу  
инсон,

Сотқин-у, ногонга инсоф бер доим,  
Ёмонни йўқ қилгин ўзинг худойим.

Айтмоқда оналар гўдакка, алла,  
Мустақи әлимда тарона, ялла.  
Диларга солгувчи қўрқув, аланга,  
Бало қазолардан асрагин, доим,  
Зулмат ҳавфини йўқ қил, худойим.

Инсон зоти истар, туну-кун  
тинчлик,  
Кимга фойда берган ўзи нотинчлик.  
Ё ўйлайсан сендан, йўқмиди кучлик,  
Кучилар манглайи паст бўлар доим,  
Бадкирдор сотқиндан асра, худойим.

Жаҳондан тўплашган қонхўр галаси,  
Йўқдир, унинг ота-она, боласи.  
Шаҳидларнинг етти ҳаққа ноласи,  
Бадфеълига инсоф бергин, шлоҳим  
Жоҳилини йўқ қил ўзинг, худойим.

## *БУ ОНА*

*Асрларнинг қаъридан,  
Куйларимнинг қўрида,  
Юрагимнинг тўрида,  
Улугвор майин сўз бор  
Бу - Она!*

*Чаман-чаман боғларда,  
Улкан-улкан тоғларда,  
Яхши-ёмон чоғларда,  
Улуғ, азиз, бир сўз бор  
Бу - Она!*

*Ҳар бир сўзи лаззатли,  
Хонадонга иззатли,  
Элим ичра ибратли,  
Энг буюк бир инсон бор,  
Бу - Она!*

*Қарич-қарич ёшимдан,  
Оғир-енгил тошимдан,  
Яхши-ёмон ишимдан,  
Хабардор бир инсон бор,  
Бу - Она!*

*Оналарда ҳикмат күп,  
Уларнинг қадамини ўп,  
Не буюрса дегин хўп,  
Яшатгувчи инсон бор,  
Бу - Она!*

## **ЖАННАТ ИЧРА**

Оналарнинг дуоси, зимиштонни нур  
қилар,  
Эртасин уйлар фарзанд, ота сўзин  
дур билар.  
Яхшилик қилсанг, муродинг Оллоҳ  
берар,  
Қарисин эъзоз этсанг, жаннат ичра  
хур бўлар.

Жасорату ибратни, олингиз  
боболардан,  
Ҳаёт сабогин ўқинг, табаррук  
момолардан.  
Оллоҳ ўзи асрасин, бало-ю  
қазолардан,  
Қадрласа қарисин, элда тўй бисёр  
бўлар.

Истиқлол берди қанот, номинг  
битик ҳарёна,  
Қад ростлади элимда, осмон ўпар  
кошона.

Озод, обод манзылар, бу қадими  
ашёна,  
Үтмиши бой ҳар юртнинг, келажаги  
бўй берар.  
Қадрласа қарисин, элда тўй бисёр  
бўлар,  
Қарисин эъзоз этган, жаннат ичра  
хур бўлар.

## **БИР БОҚСАМ**

*Бир боксам ўхшайди умр ўтганга,  
Бир боксам, манзилга ҳали йўл  
йироқ.*

*Бир боксам ўхшайман сўниб  
кетганга,  
Ҳарна қолса эди номим яхшироқ.*

*Умр дафтарини секин варақлаб,  
Гоҳо шодон, гоҳ афсусни кўрдим.  
Гоҳига ўзимни тутиб сўроққа,  
Англадим: не эксан, ўшани ўрдим.*

*Кечирдим ҳаётда турфа онларни,  
На қувонч на қайгу қолмади омон.  
Ва кўрдим ёмонликнинг  
армонларини,  
Ватан хоинидир ёмондан-ёмон.*

*Бу дунё сарихисоб қилгувчи абад,  
Зотан унга ҳеч зот бўлолмас устун.  
Эй инсон, умрингку ошадир сарҳад,  
Мехру саховатни ҳис қилиб тургин.*

## **МУАЛЛИМ**

Кечир бўлса хатоси, бўлолмаса  
мулойим,  
Тўгри йўлни кўрсатиб, айтган бўлса  
гуноҳинг.  
Ҳаётда бор шундай касб, қадр  
топар у доим,  
Мангу ҳикмат шамидан сабоқ бергай  
муаллим.

Алиф билмас қўлимни, қалам бирла  
буйлатган,  
Сўз билмаган тилимни, бурро қилиб  
сўйлатган.  
Дилин меҳрини бериб, қалбда меҳр  
уйғотган,  
Садоқатни дилимга жо айлагай  
муаллим.

Қуёш сочгай нурини борлиқ узра  
беминнат,  
Қуёшга ўхшатганим ахир эмас  
бекикмат.  
Ўқитувчи-қуёшдир, қаломи-оби  
раҳмат,  
Элин эртасин ўйлаб зиё сочгай  
муаллим.

## **КОШКИ ЭНДИ**

*Кошки энди кўрмасам сени,  
Ўз-ўзимни койиб қоламан.  
Ром айладинг ўшанда мени,  
Армонингда ўйга толаман.*

*Сочларингни бериб қўлимга,  
Аҳду вафо айладик тайин.  
Рози бўлдинг айтган йўлимга,  
Гувоҳимиизэнди бир оқ қайин.*

*Манзил оша висолинг истаб,  
Бог оралаб келдим чўзиб бўй.  
Ўз-ўзимга сени кўп мақтаб,  
Рози бўлсанг қилмоқ истаб тўй.*

*Ногаҳонда нотаниш гўзал,  
Салом дея келди ийманиб.  
Сирим очиб бўлибсан тугал,  
Ўзга манзил топибсан кетиб.*

*Ўз кучини кўрсатгай албат,  
Ишқ ҳижрони кузидаги ёш.  
Юрагимга дард солди қат-қат,  
Ким беролгай бу ҳолга бардош.*

Йшлар ўтди, ўтди ўн йшлар,  
Ортирибсан қанча гапу-сүз.  
Хамон ўша-ўшасан, фақат,  
Күзларинга вафосизлик - из  
Кошки эди кўрмасам сени...

## **ИШҚ**

*Ваҳки, қандайин бир ишқ,  
Дардга мубталодирман.  
Дариг туттма жамолинг,  
Шам каби ёнадирман.*

*Мұхаббат күйига солдинг,  
Ақл - ҳүшим томом олдинг.  
Қачон васлинг сари нозыл,  
Бўлиб ишқдан қонадирман.*

*Дилим ишқ бирла ҳамроэ,  
Ишқки, бир қадимиий соз.  
Сен борсанки, ўзга санам,  
Ой бўлса ҳам тонадирман.*

*Мұхаббат күйига кирдим,  
Юрак амри билан юрдим.  
Демак ишқинг ўти бирла,  
Абаг - мангуд ёнандирман.*

**ТУЯ**  
(Ҳази)

*Ишдан қайтсам шўх набирам,  
Туя олиб келинг, дейди.  
Қаранг зукко ҳушёргинам,  
Бобосин гамин ейди.*

*-Нега керак туя, десам,  
Жавобидан лол қолдим.  
Лозим бўлган юмушларим,  
У айтди, қулоқ солдим.*

*-Гоҳо ўнггоҳ чап қўлда,  
Юк-ла келасиз ҳар он.  
Келишингиз кўриб йўлда,  
Ўйлаб қолгум бобожон.*

*Бир қарасак сабзи, шолғом,  
Бир қарасак картошка.  
Барин бир - бир кўриб момом:  
-Гурунч йўқ-ку, - дер ошга.*

*У ҳам бўлар деб тушасиз,  
Гузардаги бозорга.  
Яна у + бу нарса керак,  
Дастурхонни безарга.*

*Кийим - кечак, лапта-пумта,  
Айтмасам ҳам бўлади.  
Шунинг барин келтирасиз,  
Барча кўнгли тўлади.*

*Рўзгор ками битмас экан,  
Ҳатто керак сув, совун.  
Моможоним яна дейди,  
Ошхамирга керак ун.*

*Ҳар не бўлса бўлинг бирдам,  
Бўлинг дейман сог-омон.  
Кўча томон чолиб чиқсан,  
Телечка тўқди сомон.*

*Бобожоним булар бари,  
Сизнинг учунми якка.  
Тунов куни келганси-ку,  
Икки тележка макка.*

*Сизни ўйлаб юкингиз-чун,  
Керакми дейман туя.  
Таклифимни маъқул топди,  
Дилноз, Маҳфуз, Шодия.*

*Сўзларимни тингланг бир-бир,  
Яна гардим ортди-я.  
Гар билсангиз сиз учун,  
Керак экан бир туя.*

## **АХТАРАМАН ЎЗИМНИ**

Ахтараман ўзимни, кенг күчалардан,  
Сүкмоқдаман ҳали, орзулар бисёр.  
Қалбимни чулғайди ўзгача исён,  
Гоҳ нозик туйгулар, севги вафодан.


Сўйлашар менга кўп олис эртаклар,  
Фикрим жам қилмоққа ожизман  
танҳо.  
Юрагимда кезар мунажжим – түгён,  
Каршимда турибди яп – янги дунё.

## **ОГОХ БҮЛИНГ**

*Осмонимиз тўла юлдуз,  
Қалбларимиз тўла тилак, сўз,  
Ҳушёр бўлинг, огоҳ бўлинг сиз,  
Ватан учун бўлинг ўйғоқ – Сиз.*

*Шу элга ҳеч етмасин озор,  
Бир бурда нон бўлмасин увол,  
Мехрингиздан тутиб туринг  
бол,  
Ватан учун бўлинг ўйғоқ – Сиз.*

*Аговатдан адолат кучли,  
Дастур бўлсин яхшининг иши,  
Юрт учун сиз мисли баҳт қуши,  
Ватан учун ўйғоқ бўлинг – Сиз.*



## *ДУО АЙЛАНГ*

*Халқым учун аямади хизматим,  
Хеч бир киши билолмайди қысматин,  
Минг шукурким, менга берган  
неъматин,  
Мингдан бирга берганини билмадим.*

*Шифо истаб бормаган жой қолмади,  
Югурмоқдан жигарбанлар толмади,  
Ёлғиз жондан ўзга армон қолмади.  
Хақдан ўзга нажоткорни билмадим.*

*Вақти келиб туш бўлади бу ишлар,  
Яхши – ёмон ҳисоб бўлар қилмишлар,  
Бу бошимдан ўтди қанча ёз –  
қишлиар,  
Яна қайтмас баҳоримни билмадим.*

*Дуо айланг карвон бевакт кўчмасин,  
Узоқ ётиб дард шарбатин ичмасин,  
Умиқ ёққан чироқ ҳаргез ўчмасин,  
Ўзим учун даркорлигим билмадим.*

*Булбул эдим, боғлар эди маконим,  
Күйламоққа бисёр эди имконим,*

*Сүнгги дамда ҳамроҳ айла иймоним,  
Жўшқин гарё сўнарини билмадим.*

*Дўст қадрдан укам, синглим  
боламдан,  
Гинам йўқдир, на ота, на онамдан,  
Бевақт умри хазон бўлган  
жўрамдан,  
Жудо бўлгач, дил топарим  
билмадим.*

*Иноятинг дариг туттма, ўзимдан,  
Не ҳолки, бу ёш тинмас кўзимдан,  
Биродарлар ибрат олинг сўзимдан,  
Келган бир кун кетарини англашим.*

## **ЖЕЙНОВСАН**

*Амир дафтаридан минг уйман араб,  
Дея жой олган бир қадим*

*Жейновсан.*

*Тегрангда лол бўлиб тургайлар  
қараб.*

*Асрлар қаъридан сергак маконсан.*

*Атагилар сени дашту-биёбон,  
Йўқ! ўзга манзилсан ўзгача ошён.*

*Магрибу машриқу сайр этсам  
жаҳон,*

*Фақат сенга келиб роҳат топар  
жон.*

*Демишлилар! Пайғамбар давридан  
келиб,*

*Ҳақ иўлга бошловчи боболаринг бор.*

*Ўзбегим дардини оҳангта солиб,*

*Куйлашга хушовоз ҳофизларинг бор.*

*Ҳар ишни қилмоқлик сенгадир осон.  
Донгдор чорвадору, пахтакор*

*декон.*

*Багрингда ҳур бўлиб улғайган ўглон,  
Буюклар қатори бўлмиш қаҳрамон.*

*Мадхингни күйлашга яралди имкон,  
Мөхнаткаш ҳалқинг бор, қалбига  
иимон.*

*Қадрингни оширди бу ҳурлик замон.  
Дуогүй, мөхрибон элим Жейновсан.*

## **АЙРИЛДИМ**

*Юрак төрим ришталари узылди,  
Хижрон дарди бир умрга чүэзилди,  
Күз ёшларим маржон бўлиб тизилди,  
Дуогўйим давлатимдан айрилдим.*

*Саловатим, саховату санъатим,  
То тирикман, сиз учун хизматим,  
Во дариғо, кўрмадингиз роҳатим,  
Ҳар нафасда даркоримдан  
айрилдим.*

*Дўстмар келди кўз ёшлари сел бўлиб.  
Чор атрофдан таскин бўлди ҳол  
суреб,  
Жигарбанлар ҳамон юрар лол  
бўлиб,  
Юртин севган ҳофизлардан  
айрилдим.*

*Наво қолди, бўлиб энди барҳаёт,  
Юракларда номингиз мангу ҳаёт,  
Хотирангиз эслаб қилгаймиз обод,  
Ишонч тогим мадоримдан айрилдим.*



## **ҚҮНГИРОҚ**

Ҳар бир ишнинг муаммоси бор  
бўлади,  
Ҳаёт ўзи сизга мададкор бўлади.  
Мактаб энди сизни учун тор  
бўлади,  
Иншооллоҳ сизга оллоҳ ёр бўлади.  
Бугун кўнглимиэда ниятлар мўлроқ,  
Хайр деб айтамиз азиз қўнгироқ

Яшнамоқ имкони қўлингизда,  
Баҳорнинг ҳар они йўлингизда,  
Самимият либос дилингизда,  
Имон-ла яшайсиз ҳур элимизда,  
Бугун кўнглимиэда ниятлар мўлроқ,  
Хайр деб айтамиз сенга қўнгироқ.

Юртбошимиз дилидаги авлод  
бўлинг,  
Яхшиликнинг дилидаги баёт бўлинг,  
Мехру – муҳабат-ла обод бўлинг,  
Яхшиликнинг йўлариидир кенг,  
Бугун кўнглимиэда ниятлар мўлроқ,  
Хайр деб айтамиз азиз қўнгироқ.

## *ОМОН САҚЛА*

*Үкам, марҳум Пўлатжон Муродов  
хотирасига*

*Қайгу деворига бошим урилди,  
Орзу – умид, лаҳад ичра кўмилди,  
Ғаму ҳасрат ҳам азага йўйилди.  
Ўзингдирсан якка – ёлғизим паноҳим,  
Қолганларни омон сақла, шлоҳим.*

*Амр бўлса, тоз тепалар сой бўлар,  
Салтанату кибру-ҳавовой бўлар.  
Неки бадга, тайин - тайин жой  
бўлар,  
Ўзингдирсан якка-ёлғиз паноҳим,  
Қолганларни омон сақла шлоҳим.*

*Ўтган ишлар бир кун келиб, туш  
бўлар,  
Кимга ёзу кимга баҳор, қиши бўлар.  
Юрт севганинг, иши доим хуш  
бўлар,  
Ўзингдирсан якка-ёлғиз паноҳим,  
Қолганларни омон сақла шлоҳим.*

*Сув олдинга шошиб оқар шилдираб,  
Күзлардан ёш оқаверар мильтираб.  
Дил мадорим кетди қолдим  
қалтираб,  
Үзингдурсан якка-ёлғыз паноҳим,  
Қолғанларни омон сақла шлоҳим.*

## АЗИЗЛАР МАСКАНИ

Кўп умидим бор эди, сайру-саёҳат  
қилгали,  
Туркману Ўзбеку ҳамда Қорақалпоқ  
жам эли.  
Хиваси таърифли, Хоразм шоҳ  
масканি,  
Шукурким ҳақ етурди, ҳал бўлди  
мушкулим мани.

Сайримизни бошладик Ғойиб отани  
қабридан,  
Омлоҳ ўзи айлади, пойтини шоҳ  
зотидан.  
Ҳар кими солса дилига, йўл берар  
осонидан,  
Табаррук ул азиз жойлар сари  
тушиди йўлум мани.

Шом яқин кетиб Жейновдан бордик  
Хива,  
Ҳар нечук сайёҳ дилига ҳайрат  
солгай ул қалъа.  
Қатма-қат уч қалъа-ю сонсиз  
масжиду мадраса,  
Кўрибон лол қолди ақлим, дилим  
мани.

Сўри-ю қалъа ўтирмиш, пир Ал-  
Хоразмий,  
Ўнг тараф солсам назар,  
мушкулкушода хокайи.  
Кўп сайр қилдим «Дишан» ҳамда  
«Ичан» ул қалъайи,  
Айламиш дил амрила, неча саройи  
манзилим.

Ўттизу, қирқ еттию, эмлик етти  
таноб,  
Ул миноралар қошида бир азим  
чинор тураг.  
Масчитда минг йил бўлибдур, лек  
кавма мухтож тураг,  
Икки юз олтмиш устун ўн икки  
сина минг йил бўлур.

Уч юз авлиё ўтган бу юрт кўзга зиё,  
Пахлавон Махмуд зиёрат айлабон  
қил дилга жо.  
Неча шайху, неча шоҳ, юрт деб  
ўзин қилган фидо,  
Барчасин авф эт гуноҳин, сенга  
қилгум илтижо.

*Йўл юриб Шовот сари, бордик  
азизлар маскани,  
Пири, комиллар пири қабри Юсуф  
Хамадони.  
Бир томонда турган ул қабри Сайид  
Хамадони,  
Айладим тавоғу ул Favсул Аъзам  
қадам жойи.*

*Авлиёлар Султонига хизмат айлар  
барчалар,  
Ҳам яна кўрдик жиловдору, чироқчи  
нечалар.  
Ҳурмату Favсул Аъзам деб, анда  
тунар кечалар,  
Барчасин қилдик зиёрат хўп ажойиб  
гўшалар.*

*Хоразм машъалигидан кўп киши  
огоҳ эмас,  
Шаҳри Урганч гуллари лол қолдирад  
ҳеч лоғ эмас.  
Санъати тенгсиз бу юртни,  
хизмати ҳеч кам эмас,  
Шоли-ю пахтага маскан, мушкул иш  
ҳам йўқ эмас.*

*Айладик сўнги зиёрат, ул азиз Охун  
ато,  
Барча қилган бу зиёратни қабул  
айла, худо,  
Бандайи ожиз эрурмиз, сенга қилгум  
илтижо.  
Бор умидким манам, қилсам тавоғ  
ул, Мустафо,*

*Ё раб, авғ эт, сақла, ёмон тилнинг  
захридан,  
Фақат қўрқум оллоҳимнинг,  
қаҳридан.  
Зиёратдан эрур мақсад, пок бўлмоқ  
гуноҳлардин  
Қаламимдек саждагадир Баҳриддин  
исмим мани*

## *БОР*

*Отандан олдин юрмагин,  
Исмин тутиб чақирмагин.  
Қариндошдан юз бурмагин,  
Үзинг ёлғыз қоладурсан.*

*Меҳнатдан қочган хору-зор,  
Мүмніларга бермагин озор.  
Эл ичра бўлсанг дилозор,  
Билгин бир кун сўроқ бор.*

*Қалбда сақласанг адоват,  
Яхшиларга қилсанг ҳасад.  
Ғийбатни айласанг одат,  
Дўзах ичра ёнмоқ бор.*

*Мансаб учун ҳеч талашма,  
Номаҳрамга белинг эшма.  
Молу давлатингга учма,  
Ҳеч нарсасиз қолмоқ бор.*

*Ота-онанг айла ризо,  
Шому саҳар қилгин дую,  
Мадад бергай сенга худо,  
Қобил фарзанд бўлмоқ бор.*

## ТҮРТЛИКЛАР

Дунёдан ўзингни қўймагин устун,  
Ҳеч ким бўлган эмас, дунёга устун.  
Нафсинг ҳаволаниб кетишидан

қўрк,  
Номаи-аъмолинг муқаррап бир кун.

\*\*\*

Бу дунёнинг исмиидир ташвиш,  
Қанчалик уринма, адо бўлмас иш.  
Руҳингни эзғилаб бошинг қотирав,  
Кўргандек бўласан гўё ёмон туш.

\*\*\*

Уруг тушса ерга дамо - дам,  
Очилади ернинг чехраси.  
Ҳаёт гашти шунда мужассам,  
Шундоқ кечар Наврўз эртаси.

\*\*\*

Дўстим, ҳаёт мисолу кўзгу,  
Ҳар не бўлса ўзинг кўрарсан.  
Ҳимматли бўл элингга мангу,  
Ёрқин юлдуз бўлиб қоларсан.

## **БОБОМ ХОТИРАСИ**

(Ёлгизгина Ҳақберди исмли ўғлидан  
Иккинчи жаҳон уруши сабаб жудо бўлган  
**Кобил бобом Неъматов хотирасига**)

*Бир юзу уч ёшли қария, ётар  
сўрида,  
Нигоҳлари сўлгин, сўнгсиз фикрлар.  
Ён атрофда қавм-қариндошлар.  
Қиз, невара, чевара, эваралар...*

*Бир қишлоқ одам, фақат йўқ, ўғил!  
Қарияга тинчлик керак! қилманг  
безовта,  
Мунгли овоз берди-шифокор.  
Қариянинг гарди аниқ-қарислик,*

*Сол айлабди танадаги ҳамма  
аъзолар,  
Хизматин бирдек, фақат урмоқда  
юрак,  
Унда бор-гард, гард, гард...  
Ҳар замонда бир оғиз сўз,*

Айтади чол, ҳолу бе ҳолу ҳам  
ноаник.  
Күзлар сұлғин, мунгли нидолар,  
Күзин очиб ниманидир, бўлар  
қидирган,  
Хаёл сурар узоқ-узоқ лекин  
нимани???

Балки ўйлаётгандир-навқиронлик  
вақтидаги,  
Кучу қудратин, ё ёлғизини ўғли.  
Ҳақбердининг қирчинида кетған  
ҳаётин  
Балки ўйлаётгандир-у қулоқлик  
йилмарини,

Балки ўйлаётгандир-ёлғизгина ўғли  
Жанғта кетған кунларини.  
Балки дилинр уруш йилмарин,  
Балки ўйлаётгандир - охират  
кунларини.

Қариндошлар келишиб бир-бир,  
сўраб розишик,  
Қимирлатар бошин беҳол, розиман  
дэя.

*Ногоҳлари кимнидир, қидирап,  
қидирап, қидирап  
Кампир келиб сўрар розилик,*

*Баралла дер, минг бора рози.  
Яна нимадир деб титради либи,  
Лаблари титроқ, титроқ, титроқ.  
Ногоҳонга қиз қалбига, келди бир  
фикр,*

*Отам қалби кимгадир, интиқ-ким  
йўқ?*

*Фақат қариянинг, ягона Ўғли...  
Қиргин! Даҳшатли уруш ишлари,*

*Ватан ҳимоясига кетганча, қайтиб  
келмади.*

*Хат ёзганди, кирдик деб жангта,  
Биз голибмиз, ичра аланга.  
Душманларни қиласмиш, тор-мор,  
Чунки танда ўзбек қони бор!*

*Чол асрани хатни мисоли Ўғил,  
Келганларга магрур бўлиб, ўқипди  
нуқул.*

45 йил асралди ушбу дастхат,  
Қайтиб на ўтил, на хат, на хабар,

Қарияга келиб етмади.  
Күтди факат күтди, күтди, күтди.  
Майли эди бўлса ногирон,

Майли эли олса жароҳат.  
Майли эди юқатсайди қон,  
Майли эди келса қора хат.  
Юрак учун энг оғир ҳижрон,

Фарзандидан тирик айримиқ.  
То танадан узулгунча жон,  
Юракда ҳеч қолмасин армон.  
Гар юракда чўккан бўлса гард,

Жон узилиш қийин бегумон.  
Заруратда ишлатиш-ёлғон,  
Гуноҳ эмас, билгай кўп инсон.  
Қиз гўнглига келиб қолди, шундай  
бир фикр,

Ота!-дея энгашиб хиёл.  
Фикрин баён айлар bemalol,  
Э ш и т д и н г и з м и ? ! -  
Ҳақберди келди!!! (бу аслида ёлғон  
эди)

*Сабчиб тушди, сергагланди чол,  
Худди кутталганидек, айни шу ҳол.  
К е л ғ и м и?? - дөя юзланди,  
Маюс сузылди күэлар.*

*Бир сүэ айтшылди, фақат...  
Х а й р и я т ...  
Юрак муштоқ экан ўғлига,  
Қариянинг узишди жони.*

*Эшиштилди сүнги бор нафас,  
Иншоомлоҳ, ҳамроҳ бўлди,  
Чолнинг иймони.  
Тирикликда юрак даррдан  
Айлаийлик фориғ,  
Икки дунё шунда бўлар  
Юзимиз ёрут.*

## *АЙЛАДИ ШОДОН*

*Само узра таралди садо,  
Орзу бўлмас инсан - чун адо.  
Халқи учун жон қилар фидо,  
Юксак бу мукофот айлади шодон-  
Муродулло Саид ўғли - қаҳрамон!*

*Мактабин яратган пахтачиликда,  
Тенги йўқ билимдон галлачиликда.  
Довруги бўй чўзди чорвачиликда,  
Юксак бу мукофот айлади шодон-  
Муродулло Саид ўғли - қаҳрамон!*

*Қирқ беш йиллик меҳнат  
маҳсулидир бу,  
Асли она халқим фарзандидур бу.  
Барча халқ тенглигин дастуридур  
бу,  
Юксак бу мукофот айлади шодон,  
Муродулло Саид ўғли - қаҳрамон!*

*Ҳар қанча мақтавга лойик ўзингиз,  
Отилган ўқ каби айтган сўзингиз.  
Истиқдол ўйл очди, ошди кучингиз,  
Юксак бу мукофот айлади шодон-  
Муродулло Саид ўғли - қаҳрамон!*

## *ВИДО*

(Бевақт тақдир қазосига ризо бўлган,  
жигарим *Руйнаддин Муродов*  
хотирасига)

*Ногоҳ кўз косаси тўлди, ёшларга,  
Не маломат тушди, магрур  
бошларга.*

*Сирдош бўлиб, шайтон  
лайъиндошларга,  
Биру бори маглуб бўлган, жигарим.*

*Дунёни сен англаб бўлмас гор  
гединг,  
Хушомадни дилга сигмас ор гединг.  
Охиратда аниқ беҳишт бор гединг,  
Гўрга бизни тирик тиқган, жигарим.*

*Юракларга чўғ солишинг, билибсан,  
Қорахатинг ўз қўлинг-ла, битибсан.  
Бизни бутинлайн ғамнок этибсан,  
Кенг дунёга сигмай кетган,  
жигарим.*

*Сен кетиб онангни қадди ёй бўлди,  
Йиглай-йиглай кўз ёшлари сой  
бўлди.*

*Сен-чун қилган орзуларивой бўлди,  
Орзуларни поймол қилган, жигарим.*

*Мангу кеттинг! Тайин жойинг  
бормиди?*

*Момо-боболаринг сенга зормиди?  
Ўн тўққиз ёш сенга ажал бормиди?  
Охиратни аъло билган, жигарим.*

*Манзилинг пошаги, қизил гул  
бўлсин,*

*Мункар Накар сўроқлари сулҳ  
бўлсин.*

*Тушимда сой кеэдинг, шу Кавсар  
бўлсин*

*У дунёни сара билган, жигарим.*

## **СИЗГА НЕ БҮЛДИ ?**

(жарроҳ X. Юнусовга)

*Жарроҳлик сарвари, йигитнинг  
пори,  
Орттирган давлати фақат дўсту  
ёри.  
Шифокор элининг фахр-ифтихори,  
Сино сулоласи, сизга не бўлди ?*

*Танларни дардлардан фориг айлаган,  
Зулматли кунларни ёруг айлаган.  
Яхшилик каломин улуг айлаган,  
Сино сулоласи, сизга не бўлди.*

*Қарчигай қуш қанот урган қиёда,  
Эл дардлари кўп бўлдида зиёда.  
Сизга ишора берсин доим дунёда,  
Сино сулоласи, сизга не бўлди.*

*Майин шабадага кўчайму дарахт,  
Ғанимлар гийбати қилдиму карахт.  
Энди сизни ҳеч тарк этмасин бу  
бахт,  
Сино сулоласи, сизга не бўлди.*

## **ДУО ГҮЙ ТОП**

Ватан ичра ватандурсан, шоху ёки  
гадодурсан,  
Буюк халққа муносибсан, дуогүй бўл,  
дуогүй топ.  
Ки бўлса сенда виждонинг, саломат  
сақла иймонинг  
Ризо бўлгай тану – жонинг дуогүй  
бўл, дуогүй топ.

Неча доно фозил ўтди, амири  
подшоҳ ўтди,  
Кетар чори тобе кетди, дуогүй бўл,  
дуогүй топ  
Жаҳондин шод ўтай десанг, элинг  
обод этай десанг  
Қабрда тинч ётай десанг, дуогүй  
бўл, дуогүй топ

Бу жоним билгум омонат, қилурлар  
мақтov маломат  
Сар – ҳисоб қилгай қиёмат, дуогүй  
бўл, дуогүй топ  
Неча хешу – тобон ўтди, ниҳону  
ошиён ўтди  
Баҳриуддин бошидан ўтди, дуогүй  
бўл, дуогүй топ

## МУНДАРИЖА

Асрагил доим .....	3
Бу она .....	4
Жаннат ичра .....	6
Бир бөксам .....	8
Муаллим .....	9
Кошки энди .....	10
Ишк .....	12
Түя .....	13
Ахтараман ўзимни .....	16
Отоқ бўлинг .....	17
Дуо айланг .....	18
Жейновсан .....	20
Айрилдим .....	22
Кўнгироқ .....	24
Омон сақла .....	25
Азизлар маскани .....	27
Бор .....	31
Тўртликлар .....	32
Бобом хотираси .....	33
Айлади шодон .....	38
Видо .....	39
Сизга не бўлди .....	41
Дуогўй топ .....	42

**АДАБИЙ – БАДИЙ НАШР**

**МУРОДОВ БАҲРИДИН**

**ДУО АЙЛАНГ**

**Шеърлар**

Муҳаррир: Г.Хўжаева.

Техник муҳаррир: Ч.Раҳмонов.

Мусаҳҳих: Г. Хўжаева.

Бадиий безакчи: Ж. Норқобилов.

**ИБ 1029**

Теришга 15.06.2006 йилда берилди.  
Босишига..23.06.2006 йилда рухсат этилди.  
Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Шартли босма табоги  
1,26. Шартли бўёқ-оттиск 1,32. Нашр  
босма тобоги 0,97. 33-2006-шартнома.  
24-Буюртма. 300 нусхада. Эркин нарҳда.

«Насаф» нашриёти, 730018. Қарши  
шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Қарши Давлат университети кичик  
босмахонасида босилди.

Қарши шаҳри, Кўчабог кўчаси, 17-уй.